

1487/3674 – عن أبي موسى الأشعري رضي الله عنه: أَنَّهُ تَوَضَّأَ فِي بَيْتِهِ، ثُمَّ خَرَجَ، فَقُلْتُ: لَا إِلَهَ مِنْ رَسُولٍ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا كُونَنَّ مَعَهُ يَوْمَيْ هَذَا، قَالَ: فَجَاءَ الْمَسْجِدَ، فَسَأَلَ عَنِ النَّبِيِّ، فَقَالُوا: خَرَجَ وَوَجَهَ هَا هُنَا، فَخَرَجْتُ عَلَى إِثْرِهِ أَسْأَلُ عَنْهُ، حَتَّى دَخَلَ بَعْرَ أَرِيسٍ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ، وَبَابُهَا مِنْ جَرِيدٍ، حَتَّى قَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ فَتَوَضَّأَ، فَقُمْتُ إِلَيْهِ، فَإِذَا هُوَ جَالِسٌ عَلَى بَعْرِ أَرِيسٍ وَتَوَسَّطَ فَقَهَا، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ وَدَلَّاهُمَا فِي الْبِيرِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، ثُمَّ انْصَرَفْتُ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ الْبَابِ، فَقُلْتُ: لَا كُونَنَّ بَوَابَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْيَوْمَ، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ فَدَفَعَ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: أَبُو بَكْرٍ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ ذَهَبْتُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا أَبُو بَكْرٍ يَسْتَأْذِنُ؟ فَقَالَ: ائْدُنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ. فَأَقْبَلْتُ حَتَّى قُلْتُ لِأَبِي بَكْرٍ: ادْخُلْ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبَشِّرُكَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ أَبُو بَكْرٍ فَجَلَسَ عَنْ يَمِينِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُ فِي الْقُفْ، وَدَلَّ رِجْلِيهِ فِي الْبِيرِ كَمَا صَنَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَكَشَفَ عَنْ سَاقِيهِ، ثُمَّ رَجَعْتُ فَجَلَسْتُ، وَقَدْ تَكَبَّتْ أَخِي يَتَوَضَّأُ وَيَلْحَفُنِي، فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدَ اللَّهُ بِفُلَانٍ حَيْرًا - يُرِيدُ أَخَاهُ - يَأْتِ بِهِ، فَإِذَا إِنْسَانٌ يُخْرِكُ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: عُمُرُ بْنُ الْحَطَّابِ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، ثُمَّ جَهْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقُلْتُ: هَذَا عُمُرُ بْنُ الْحَطَّابِ يَسْتَأْذِنُ؟ فَقَالَ: ائْدُنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ، فَجِئْتُ فَقُلْتُ: ادْخُلْ، وَبَشَّرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجَنَّةِ، فَدَخَلَ، فَجَلَسَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْقُفِّ عَنْ يَسَارِهِ، وَدَلَّ رِجْلِيهِ فِي الْبِيرِ، ثُمَّ رَجَعْتُ فَجَلَسْتُ، فَقُلْتُ: إِنْ يُرِدَ اللَّهُ بِفُلَانٍ حَيْرًا يَأْتِ بِهِ، فَجَاءَ إِنْسَانٌ يُخْرِكُ الْبَابَ، فَقُلْتُ: مَنْ هَذَا؟ فَقَالَ: عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ، فَقُلْتُ: عَلَى رِسْلِكَ، فَجِئْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرْتُهُ، فَقَالَ: ائْدُنْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ عَلَى بُلْوَى تُصِيبُهُ. فَجِئْتُ

فَقُلْتُ لَهُ: ادْخُلْ، وَبَشِّرْكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجَنَّةِ عَلَى بَلْوَى تُصِيبُكَ، فَدَخَلَ فَوَجَدَ
الْفُفَّ قَدْ مُلِئَ، فَجَلَسَ وُجَاهَهُ مِنَ الشِّقِّ الْآخِرِ.

1487.3674. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу шундай хабар қиласи:

«Уйимда таҳоратни қилиб, ташқарига чиқдим-да, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг этакларини маҳкам тутиб, шу кунимни у зот билан бирга ўтказаман», дедим. Масжидга келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни сўрадим. «Чиқиб кетдилар, ҳов анави тарафга қараб юрдилар», дейиши. Мен ҳам у зотни сўраб-сўраб, изларидан чиқдим. Арис* қудуғига кириб кетган эканлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат қилиб, таҳорат қилиб бўлгунларича эшик олдида ўтиридим. Унинг эшиги хурмо новдаларидан эди. Сўнг у зот томон туриб бордим. Қарасам, Арис қудуғининг устида, лабининг ўртасида болдирларини очиб, қудуқ ичига осилтириб ўтирган эканлар. У зотга салом бердим-да, кейин қайтиб, эшик олдига ўтиридим. «Бугун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эшикбон бўламан», дедим. Кейин Абу Бакр келиб, эшикни итарди. «Ким бу?» дедим. «Абу Бакр», деди. «Шошмай тур», дедим-да, кейин бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр экан, изн сўраяпти», дедим. У зот: «Изн бер ва унга жаннат башоратини бер», дедилар. Мен келиб, Абу Бакрга: «Кир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга жаннат башоратини беряптилар», дедим. Абу Бакр кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг томонларига, у зот билан бирга (қудуқнинг) лабига ўтириди-да, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганларидек, оёқларини қудуқ ичига осилтириди ва болдирларини очиб олди. Мен яна қайтиб келиб, ўтиридим. Акамни таҳорат қилиб, менга етиб олади деб қолдириб кетаверган эдим. Агар Аллоҳ Фалончига яхшиликни ирода қилган бўлса, – яъни акасига – уни бу ерга келтиради, деб турган эдим, қарасам, бир одам эшикни қимиirlатяпти. «Ким бу?» дедим. У: «Умар ибн Хаттоб», деди. «Шошмай тур» дедим-да, кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, салом бериб: «Умар ибн Хаттоб экан, изн сўраяпти», дедим. У зот: «Унга изн бер ва жаннат башоратини бер», дедилар. Мен келиб: «Кир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга жаннат башоратини бердилар», дедим. У кирди-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап ёнларига, қудуқнинг лабига у зот билан бирга ўтириди ва оёқларини қудуқ ичига осилтириди. Кейин яна қайтиб келиб, ўтиридим. Агар Аллоҳ Фалончига яхшиликни ирода қилган бўлса, уни бу ерга келтиради, деб турган эдим, яна бир одам келиб, эшикни қимиirlата бошлади. «Ким бу?» дедим. У: «Усмон ибн Аффон», деди. «Шошмай тур», дедим-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, у зотга хабар қилдим. «Унга изн бер ва бошига келадиган балолар эвазига жаннат башоратини бер», дедилар. Мен унинг олдига келиб, унга: «Кир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошингга келадиган бало эвазига сенга жаннат

башоратини бердилар», дедим. У ичкарига кирди-да, (қудук) лабининг тўлганини кўриб, нариги ярмига, у зотнинг рўпараларига ўтирди».

Саъид ибн Мусайяб айтади: «Мен буни уларнинг қабрларига йўйдим».*

* Арис қудуғи – Мадинаи Мунавварадаги Қубо масжиди яқинида жойлашган қудук ва шу қудук ўрнашган боғ. Арабларда боғларни улардаги қудук номи билан аташ одати бўлган.

Изоҳ: Саъид ибн Мусайяб раҳматуллоҳи алайҳ Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан Умар розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки тарафларида ўтиришларини қабрда ҳам худди шундай икки ёнларида бўлишларига ишора сифатида кўрган экан.

Манба: hadis.islom.uz

